



## СУД ХАТОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ЙЎЛЛАРИ

*Умида ТУХТАШЕВА,  
юримдик фанлар доктори (DSc),  
Тошкент  
давлат юримдик университети*

Дунёда одил судловнинг самарадорлигини ошириш ва суд хатоликларини бартараф этиш масалалари долзарб аҳамият касб этади, шу сабабли, уларга алоҳида эътибор қаратилади. Суд қарорларини текшириш жиноят суд иш юритувининг муҳим аҳамиятга эга институти бўлиб, уни амалга ошириш орқали қонунийликнинг бузилиши, асосиз ва адолатсиз ҳукм, ажрим ва қарорларнинг чиқарилиши билан боғлиқ суд хатолари бартараф этилади.

Шу маънода ҳозирги кунда қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим:

юқори турувчи инстанция судларининг ролини ва масъулиятини кучайтириш мақсадида ишни биринчи инстанция судига янгитдан кўриб чиқиш учун қайтариш институтини бекор қилиш зарурлигини асослаб бериш;

апелляция ва кассация инстанцияси судларига оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш ёхуд жазони кучайтириш ваколатини ана шу асослар бўйича жабрланувчи, унинг вакили томонидан шикоят берилган ёки про-

курор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина бериш кераклиги асослаб бериш;

жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш, шу жумладан суд қарорларини қайта кўриб чиқишга бўлган ҳуқуқни кафолатлаш механизмларини янада такомиллаштириш жиноят-процессуал қонунчилигини ривожлантиришни асосий йўналишларидан бири эканлиги асослаб бериш;

иш бўйича узил-кесил қарорлар қабул қилиш муддатларини асосиз равишда чўзиб юборишни бартараф этиш ва апелляция инстанцияси судининг ролини ошириш мақсадида апелляция инстанция судига айблов ҳукмини чиқариш ваколатини бериш кераклиги асослаб бериш;

кассация суди инстанцияси ваколатларини қонунчиликда тартибга солинишини такомиллаштириш ва кассация инстанцияси судига янги ҳукмни чиқариш ваколатини бериш зарурлиги асослаб бериш;

суд муҳокамаси иштирокчиларига апелляция ва кассация шикоятини чақириб олиш



тартиби суд томонидан тушунтириш зарурлигини асослаб бериш.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасига жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўл қўйилиши билан ҳам тавсифланадиган жиноят-процессуал фаолиятнинг ўзига хослиги эътиборга олинган ҳолда, қонунда қатор процессуал кафолатлар, шу жумладан, **процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш принципи** ҳам назарда тутилишини таъкидлаш лозим. Мазкур принцип ҳар кимнинг давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқини белгиловчи суд ҳимоясига бўлган конституциявий принцип мазмунининг таркибий қисми ҳисобланиб, давлат органларининг ҳаракатлари ва жиноят иши бўйича иш юритишни олиб бораётган мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан шикоят қилиш эркинлигининг кафолатидир.

Мазкур принцип жиноят судлов ишини юритишда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, жиноят процессида жиноят-процессуал фаолиятнинг қонунийлигига риоя этилмаслиги хавфи мавжудлиги ва бу ўз навбатида, суд қарорларининг адолатсизлигига олиб келиши мумкинлиги қайд этилади. Суд қарорларининг адолатсизлиги асосида суд хатоси ётади.

“Хатоларнинг” ҳуқуқий табиати жиноят процессида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти мавжуд бўлиши заруриятини тақозо этади. Апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишнинг мантиқан бевосита жиноят судлов ишини юритишнинг умумий вазифаларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалари мазкур институтнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Юқори турувчи суд инстанциялари томонидан амалга ошириладиган назорат ва

текширув вазифаларини кўриб чиқиш **суд қарорларини текшириш институти** — берилган шикоятлар ва протестларни апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судлари томонидан биринчи инстанция судининг устидан шикоят қилинган ёки протест келтирилган ҳукмининг (ажримининг) қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш мақсадида кўриб чиқиш воситасида биринчи инстанция судининг фаолияти устидан назорат ва текширувни амалга ошириш бўйича, қонун билан тартибга солинган фаолиятдир, деган хулосага келиш имконини беради.

**Хукмлар, ажримлар ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари тизимини** таҳлил этиб, уларни мазмунига ва ҳуқуқий масалаларни тартибга солиш йўналишига қараб қуйидагича таснифлашни таклиф этади:

**биринчи** гуруҳ — жиноят процесси иштирокчиларининг шикоят қилиш ҳуқуқи ва унинг таъминланиш даражаси;

**иккинчи** гуруҳ — юқори турувчи суд инстанцияларида ишларни кўриб чиқиш предмети, исботлаш чегаралари ва кўриб чиқиш муддатлари;

**учинчи** гуруҳ — юқори турувчи суд инстанцияларида ҳукмларни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари;

**тўртинчи** гуруҳ — юқори турувчи суд инстанцияларида жиноят ишини кўрувчи суднинг ваколатлари ва қабул қилинадиган қарорларга доир талаблар.

Суд қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича **суд муҳокамасининг қуйидаги маҳсул босқичларини** ажратиш лозим: 1) судьянинг маърузаси; 2) процесс иштирокчиларининг тушунтириши; 3) қўшимча материалларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш; 4) суд мажлисида бевосита текширилиши лозим бўлган далилларнинг ҳажмини белгилаш.

Апелляция, кассация шикоятини келтириш қонуний манфаатлари ҳукмда қабул



қилинган қарорлар билан боғлиқ бўлган фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизмини ҳаракатга келтиришини инobatга олганда, юқори турувчи судлар томонидан ишларнинг кўриб чиқилиши сифати ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, суд қарорлари устидан ўз вақтида ҳамда сифатли шикоят берилиши, протест келтирилиши юзасидан жиноят процесси иштирокчиларининг масъулиятини кучайтириш учун **ишларни апелляция ва кассация инстанциялари судларида кўриб чиқишни шикоят ҳамда протест доирасида чеклаш керак** бўлади. Ўз навбатида, шикоятда ва протестда важларнинг кўрсатилиши апелляция, кассация инстанцияси судининг ҳукм адолатлими ёки адолатли эмаслигини аниқлаш, шикоятдаги ҳар бир важга асосланган жавоб бериш, номи келтирилган шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш, устидан шикоят қилинган ҳукмнинг қонунийлиги, асосланганлиги ҳамда адолатлигини таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятига мутаносиб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда:

**Биринчидан, жиноят процессида суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш институти** процессуал ҳаракатлар ҳамда қарорларнинг қонунийлиги принципларини ва улар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг кафолатидир.

**Иккинчидан.** Илмий қарашларни умумлаштириш шундай хулоса чиқариш имкониятини берадики, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг судлари, биринчи навбатда, назорат (контроль) ваколатларини амалга оширади, чунки шикоят ёки протест мавжудлиги кўрсатилган судлар томонидан ишларни кўриб чиқишнинг зарурий шартидир. Шу билан бир вақтда, таъкидлаш зарурки, Қонунга мувофиқ, кўрсатиб ўтилган судлар шикоят ёки протестнинг важлари билан чекланиб қолмай, ишни бар-

ча ҳукм қилинганларга, шу жумладан, шикоятлар бермаганларга нисбатан ҳам ўзи хусусида шикоят ва протест келтирилмаганларга нисбатан ҳам тўлиқ ҳажмда текшириб чиқади. Демак, мазкур судларга, уларнинг фаолиятида тафтиш асослари мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда келиб чиқувчи назорат ваколатлари ҳам хосдир. **Юқори турувчи инстанциялар судлари шикоятлар ва протестлар бўйича ишни кўриб чиқар экан, нафақат текшириши, балки суриштирув, дастлабки тергов органлари ва биринчи инстанция суди томонидан қонунийликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши** тўғрисида хулоса чиқариши даркор.

**Учинчидан.** Суд қарорларини текшириш институтининг қуйидаги асосий тавсифловчи элементларини ажратиш керак: ишни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган инстанциялар тизими; апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишни тартибга солувчи нормалар тизими; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида иш юритиш; апелляция, кассация ва назорат тартибида суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг амалга оширилиши ва ҳуқуқларни қайтадан тиклаш усули; назорат (контроль) қилиш шакли (тури) ва суд хатоларини тузатиш воситаси.

**Тўртинчидан.** Судлар тизимида **муस्ताқил апелляция судларини ташкил этиш** тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, кассация инстанцияси сифатида Олий судни белгилаш таклиф этилмоқда. Бу биринчи инстанция судьялари юқори турувчи инстанция судьяларининг қарорларига таъсир кўрсатиш эҳтимолининг олдини олиш имконини беради ва ишнинг холисона ҳамда ҳаққоний равишда ҳал этилишига кўмаклашади.

**Бешинчидан.** Суд қарорларини бекор қилиш ва ўзгартириш асосларини юқори турувчи инстанциялар судларида кўриб чиқишга **предметига қараб табақалаштириш** зарурлиги тўғрисидаги таклиф илгари сурилмоқда.



*Тавсия этилаётган  
қўшимча манбалар:*

*Казаков И.Г.* Судебные ошибки и иные проблемы исполнения приговора // Администратор суда. – 2020. – №1. – С.8-12.

*Ефимовых И.Н.* Дополнительная и повторная экспертизы в судебном следствии: ошибки при назначении // Уголовный процесс. – 2020. – №1(181). – С.86-92.

*Leanna Ireland.* Who errs? Algorithm aversion, the source of judicial error, and public support for self-help behaviors // Journal of Crime and Justice. – 2020. – Vol.43. – Issue 2.

### **Уголовно-процессуальные пути устранения судебных ошибок**

*Умида ТУХТАШЕВА,  
доктор юридических наук (DSc),  
Ташкентский*

*государственный юридический университет*

**Ключевые слова:** институт возвращения уголовного дела, пересмотр судебных решений, обвинительный приговор, полномочия по вынесению нового приговора, порядок отзыва апелляционной и кассационной жалобы, принцип права обжалования процессуальных действий и решений, неправосудность судебных решений,

**Краткое содержание.** Автор анализирует проблемы отмены института возвращения уголовного дела на новое судебное рассмотрение в суд первой инстанции, наделения суда апелляционной и кассационной инстанции правом применить закон о более тяжком преступлении, пересмотра судебных решений, наделения суда апелляционной инстанции полномочием по вынесению обвинительного приговора, совершенствования регламентации полномочий суда кассационной инстанции, порядка отзыва апелляционной и кассационной жалобы. Автор рассматривает также систему общих условий проверки законности, обоснованности и справедливости приговоров, определений и постановлений, выделяет специфичные

этапы судебного разбирательства по пересмотру судебных решений, дает определения понятий «институт проверки судебных решений», «институт возобновления производства ввиду вновь открывшихся и новых обстоятельств», «уголовно-процессуальные пути устранения судебных ошибок», выделяет основные характеризующие элементы института проверки судебных решений.

### **Criminal procedure ways of elimination of judicial errors**

*Umida TUKHTASHEVA,  
Doctor of Law (DSc),*

*Tashkent State University of Law*

**Keywords:** institution of the return of a criminal case, revision of court decisions, conviction, powers to issue a new sentence, procedure for withdrawing an appeal and cassation complaint, principle of the right to appeal procedural actions and decisions, unjustness of court decisions.

**Summary.** The researcher analyzes the issues of abolishing the institution of returning a criminal case for a new trial in the court of first instance, empowering the court of appeal and cassation with the right to apply the law on a more serious crime, revising court decisions, entitling the court of appeal with the authority to issue a conviction, improving the regulation of the powers of the court of cassation, the order of withdrawal of the appeal and cassation complaint. The author also examines the system of general conditions for verifying the legality, validity and fairness of sentences, rulings and resolutions, identifies specific stages of court proceedings for the revision of court decisions, defines the concepts of “the institution of verification of judicial decisions”, “institution of the resumption of proceedings in view of newly discovered and new circumstances”, “criminal procedural ways of eliminating judicial errors”, highlights the main characterizing elements of the institution of verification of judicial decisions.